

**ФАВҚУЛОДДА ҲОЛАТЛАРДА ЖАМОАТ ХАВФСИЗЛИГИНИ
ТАЪМИНЛАШНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ**

М. Чориев

Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университети
Кафедра бошлиғи, майор, ю.ф.д., профессор,

М. Рахматов

Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университети
магистратураси тингловчиси, подполковник

Аннотация

Ушбу мақолада фавқулодда ҳолатларда жамоат хавфсизлигини таъминлашнинг ҳуқуқий асослари, жамоат хавфсизлигини ҳуқуқий таъминловчи субъектлар, жамоат хавфсизлигини ҳуқуқий таъминланишида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг роли, таҳдид ва унда фавқулодда ҳолатларни келиб чиқишини олдини олишни ўзига хос хусусиятлари тушунчаси, фавқулодда ҳолатларда жамоат хавфсизлиги ҳозирги кунда жаҳондаги энг долзарб муаммолардан бири сифатида дунёдаги барча мамлакатларнинг диққат марказида деган фикр юритилиб, бизнинг юртимизда шу жамоат хавфсизлигини ҳуқуқий таъминланиши учун олиб борилаётган саъй-ҳаракатлар, хориж тажрибасига таянган ҳолда янги усулларни ишлаб чиқиш ва уни амалётган тадбиқ этиш тўғрисида айтиб ўтилган.

Калит сўзлар: Жамоат хавфсизлигини ҳуқуқий таъминлаш, жамоат хавфсизлигини ҳуқуқий таъминловчи субъектлар, жамоат хавфсизлигини ҳуқуқий таъминланишида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг роли, Президентимизнинг 2022 йил 20 декабрдаги ҳалққа ва Олий мажлисга мурожаати, жамоат хавфсизлик концепсияси.

Маълумки, инсоният тараққиётининг барча даврларида ҳам шахс, давлат ва жамият хавфсизлигини ҳуқуқий таъминлаш давлатлар сиёсатининг устувор йўналишларидан бири бўлиб келган. Бироқ ҳар бир давлат бу сиёсатни ўзининг тузилиши, шакли ва қонунчилик тизимига кўра турлича олиб борган.

Ўзбекистонда истиқлолнинг дастлабки кунларидан соҳибқирон Амир Темурнинг: “Жамият табақа ва тоифалардан иборат, давлатни улар билан бамаслаҳат биргаликда бошқармоқ, улар ҳар бири ўз мавқеи, касбига кўра, давлат эса улар ўртасида тинчликни сақловчи, таъминловчи, ижтимоий тенгсизликни камайтирувчи куч бўлмоғи керак”¹, деган таълимотига содиқ бўлган ҳолда мамлакатда тинчлик ва осойишталикни сақлаш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳар қандай кўринишдаги таҳдид ва тазовузлардан ҳимоя қилиш давлатнинг, биринчи навбатда, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг энг асосий вазифаси бўлиб келмоқда.

¹ “Темур тузуклари” © 2016-2022 – www.temurtuzuklari.uz.

Айниқса, дунёда юзага келган хавф-хатар ва таҳдидлар, аввало, халқаро терроризм, диний экстремизм, ноқонуний миграция, одам савдоси, ёшлар ўртасида халқимизга ёт ғоялар тарқалишининг тобора кучайиб бораётганлиги давлатларнинг бу соҳада ваколатли органлари олдига ўз вақтида уларнинг олдини олиш ва уларга барҳам бериш бўйича янги вазифаларни қўймоқда.

Мухтарам юртбошимиз Ш. Мирзиёев 2022 йил 20 декабр кунги халққа ва Олий мажлисга қилган мурожаатномасида ҳам шу масалага тўхталар экан қуйидаги сўзларни айтиб ўтди: “Мамлакатимиз тараққиётини янги поғонага олиб чиқиш учун бошқарув ҳам, қонунчилик ҳам, жамиятимиз ҳам ўзгариши керак. Агар шундай қилмасак, муаммоларни кўриб, кўрмасликка олсак, замондан орқада қоламиз. Халқимиз, ёш авлодимиз биздан рози бўлмайди. Шу боис, “Аввал – инсон, кейин – жамият ва давлат” деган ғояни Конституциямиз ва қонунларимизга ҳам, кундалик ҳаётимизга ҳам чуқур сингдиришимиз керак. Ҳозирги кундаги жиддий синовлар ва башорат қилиб бўлмайдиган хавф-хатарларни енгиб ўтишга қодир бўлган миллий давлатчилигимиз асосларини мустаҳкамлашимиз зарур”.²

Шу боис ҳам мамлакатимизда янги таҳрирдаги конституцияга киритилган қўшимча ва ўзгартиришларнинг ҳаммаси инсон қадрини улуғлашга, ҳуқуқий демократик янги Ўзбекистонни барпо қилишга қаратилган.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотлар доирасида аҳолининг тинч ва осойишта ҳаётини таъминлаш ҳамда жамиятимизда қонунга итоаткорлик ва жамоат хавфсизлиги маданиятини шакллантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жумладан, фавқулодда ҳолатларда жамоат хавфсизлигини таъминлаш йўналишидаги ишларни «Халқ манфаатларига хизмат қилиш» тамойили асосида ташкил этишнинг мутлақо янги механизм ва тартиблари жорий этилиб, давлат органларининг жамоатчилик тузилмалари билан ўзаро мақсадли ҳамкорлиги йўлга қўйилди³.

Бунган мисол тариқасида Ўзбекистон Республикасида Миллий гвардия қўмондонлигини ташкил этилиши ва ушбу давлат органининг вазифаси тўғридан – тўғри жамоат хавфсизлигини таъминлашга қаратилганлиги ва улар бошқа жамоат хавфсизлигини турли йўналишларда назорат қилувчи давлат органлари билан ҳамкорликда фаолият олиб бораётганлигини алоҳида эътироф этиш мумкин.

Мамлакатимизни 2017 - 2021 йилларда ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси доирасида ўтган давр мобайнида давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларини тубдан ислох этишга қаратилган 300 га яқин қонун, 4 мингдан зиёд Ўзбекистон Республикаси Президенти қарорлари қабул қилинди.

Шунингдек, инсон ҳуқуқларини таъминлаш, давлат органларининг ҳисобдорлиги ва очиқлигини кучайтириш ҳамда фуқаролик жамияти институтлари, оммавий ахборот

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 20 декабр кунги халққа ва Олий мажлисга мурожаатномаси. <https://qalampir.uz/news/ Web20/12/2022 й>.

³ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 29 ноябрдаги «Ўзбекистон Республикаси жамоат хавфсизлиги концепциясини тасдиқлаш ва уни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-27-сон фармони // URL: <http://www.lex.uz>.

воситаларининг роли, аҳоли ва жамоат бирлашмаларининг сиёсий фаоллигини ошириш бўйича тизимли ишлар амалга оширилди⁴.

Ўтган давр мобайнида республикада жамоат тартибини сақлаш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашишнинг самарали тизимини жорий этиш, Тошкент шаҳрида ички ишлар органларининг фуқаролик жамияти институтлари билан яқин ҳамкорлиги асосида амалга оширилаётган “Хавфсиз пойтахт” концепциясининг ижобий тажрибасини оммалаштириш борасида салмоқли ишлар қилинди⁵.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг **71-моддасида** “Конституциявий тузумни зўрлик билан ўзгартиришни мақсад қилиб қўювчи, республиканинг суверенитети, яхлитлиги ва хавфсизлигига, фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларига қарши чиқувчи, урушни, ижтимоий, миллий, ирқий ва диний адоватни тарғиб қилувчи, халқнинг соғлиғи ва маънавиятига тажовуз қилувчи, шунингдек ҳарбийлаштирилган бирлашмаларнинг, миллий ва диний руҳдаги сиёсий партияларнинг ҳамда жамоат бирлашмаларининг тузилиши ва фаолияти таъқиқланади”⁶ деб белгилаб қўйилган.

Ушбу нормалар талаблари давлат олдида жамиятда барқарор жамоат хавфсизлигини таъминлашни энг долзарб вазифалардан бири қилиб белгилайди. Афсуски, шундай қонун устивор бўлган мустақил давлатмизни тинчлигига раҳна солувчи, конституцион тузимимизга қарши боровчи кучлар ҳаракати бизни юртимизни ҳам четлаб ўтмади. Мисол тариқасида 2005 йилдаги Андижон воқеалари, 2022 йилдаги Қорақалпоғистонда бўлиб ўтган конституцион тузимимизга қарши ҳаракатларни айтиш мумкин.

Шунинг учун ҳам Тараққиёт стратегиясида: “16-мақсадида: “Жамоат хавфсизлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарликларнинг содир этилишига сабаб бўлган шарт-шароитларни ўз вақтида аниқлаш ва бартараф этишнинг самарали тизимини яратиш”; 17-мақсадида: Эса ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг янги қиёфасини шакллантириш ва уларнинг фаолиятини халқ манфаатлари, инсон кадр-қиммати, ҳуқуқ ва эркинликларини самарали ҳимоя қилишга йўналтириш”⁷ белгиланди.

Фавқулодда ҳолатларда жамоат хавфсизлигини ҳуқуқий таъминлаш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва жиноятчиликка қарши курашишнинг яхлит тизимини янада такомиллаштириш, айниқса ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларининг энг қуйи бўғинидан республика даражасигача самарали фаолият олиб боришини йўлга қўйиш ва ривожланган давлатлар тажрибасидан келиб чиққан ҳолда иш фаолиятини жорий этиш орқали мамлакатимизда ҳуқуқ-тартибот ва қонунийликни мустаҳкамлаш,

⁴ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги «2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги ПФ-60-сон фармони // URL: <http://www.lex.uz>.

⁵ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 29 майдаги “Тошкент вилоятида ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасида ички ишлар органлари куч ва воситаларини бошқаришнинг сифат жиҳатдан янги тизимини жорий этиш тўғрисида”ги ПҚ-4343-сон қарори. // URL: <http://www.lex.uz>.

⁶ Ўзбекистон Республикаси конституцияси

⁷ Ўзбекистон Республикасининг 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисидаги президентимизни 60-сонли фармони. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси <https://lex.uz/uz/pdfs/5841063>

аҳолининг тинчлиги ва осойишталигини таъминлаш мақсадида улар фаолиятини ташкил этишнинг мутлақо янги механизмларини, айниқса таянч пунктлари негизида маҳалла ҳуқуқ-тартибот масканларини босқичма-босқич ташкил этилиши жамоат хавфсизлигини назарий-ҳуқуқий таъминлашга янгича ёндашувни талаб этади.

Фавқуллода ҳолатларда жамоат хавфсизлигини ҳуқуқий таъминлашни сифат жиҳатдан янги босқичга олиб чиқиш орқали мамлакатимизнинг тинчлиги ва осойишталигига бўлган ҳар қандай таҳдидларнинг олдини олиш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасида юқори малакали мутахассисларни тайёрлаш тизимини илғор халқаро стандартлар асосида такомиллаштириш, шунингдек, замон талабларидан келиб чиқиб, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва Қуролли Кучларнинг кадрлар салоҳиятини ошириш, жамоат хавфсизлигини таъминлашни тубдан ислоҳ қилиш ва яхшилаш, жиноятчиликни олдини олиш, фуқароларни ҳуқуқий эркинликларини юқори даражага олиб чиқиш ва фуқароларининг хавфсизлигини таъминланганлиги дунёдаги ривожланган давлатлар қаторида бўлиши ҳамда жамоат хавфсизлигини доимий юқори даражада таъминлаш мақсадида, 2017 йил Мухтарам юртбошимизнинг ташаббуслари билан Миллий гвардия Ҳарбий-техник институти Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университети этиб қайта ташкил этилди ва университет қуйидаги соҳалар учун малакали кадрларни мақсадли тайёрлашни амалга оширувчи базавий олий ҳарбий таълим ва илмий-тадқиқот муассасаси этиб белгиланди:

- Ички ишлар вазирлиги ва Миллий гвардия учун — жамоат хавфсизлигини таъминлаш мақсадида, патруль-пост хизматининг қўмондонлик-тактик фаолияти, йўл ҳаракати хавфсизлиги ва паспорт тизими талабларини амалга ошириш йўналишларида, йўл-патруль хизматининг қўмондонлик-тактик фаолияти ва паспорт тизимини ҳуқуқий таъминлаш;

- Қуролли Кучлар ва бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар учун — хизмат фаолиятини тарбиявий-психологик таъминлаш, махсус вазифаларни бажариш қўшинларининг қўмондонлик-тактик фаолияти, хавфсизликни ҳуқуқий таъминлаш, халқаро ҳарбий ҳамкорликни ҳуқуқий таъминлаш, иқтисодий хавфсизлик, аниқлаш ва қўриқлаш тизимларидан фойдаланиш бўйича қўмондонлик-муҳандислик фаолияти, қўриқлаш бўлинмаларининг қўмондонлик-тактик фаолияти⁸.

Университетнинг асосий вазифалари ва фаолият йўналишлари этиб қуйидагилар белгиланди:

жамоат хавфсизлигини таъминлаш бўйича фаолиятни самарали ташкил этишга қодир бўлган малакали мутахассисларни тегишли ихтисослик ва ҳуқуқшунослик йўналишлари бўйича чуқурлаштирилган ҳолда ўқитиш ҳамда уларни жанговар ва жисмоний тайёргарликдан ўтказиш орқали мақсадли тайёрлаш;

Қуролли Кучлар ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар учун кадрларни маънавий-ахлоқий тарбиялашнинг самарали тизимини жорий этиш, уларда ҳуқуқий маданиятни

⁸ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 6 августдаги “Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университетида номзодларни саралаб олиш ва ўқишга қабул қилиш тартиби тўғрисида” ги 500-сонли қарори.

шакллантириш ҳамда ватанпарварлик ва юксак одоб-ахлоқ сифатларини камол топтириш орқали чуқурлаштирилган ҳолда тайёрлаш;

ҳарбий ватанпарварлик, маънавий-маърифий тарбия ва ёшлар билан ижтимоий ишлаш йўналишида ўқув-тарбия муассасалари тарбиячиларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш;

ўқув жараёнини ўқитишнинг замонавий шакл ва услублари, педагогик ва ахборот технологияларини қўллаган ҳолда назария ва амалиёт узвийлигини таъминлаш орқали ташкил этиш;

олий малакали илмий-педагогик кадрларни тайёрлаш, жамоат хавфсизлигини таъминлашнинг энг долзарб муаммолари бўйича комплекс илмий тадқиқотларни, шу жумладан маҳаллий ва халқаро грантларни жалб этган ҳолда, ўтказиш;

ўқув жараёнига хорижий мамлакатларнинг нуфузли таълим ва илмий-тадқиқот муассасаларининг малакали мутахассисларини жалб этиш, шунингдек, қўшма илмий тадқиқотларни ўтказиш ва педагогик тажриба алмашиш соҳасида доимий халқаро ҳамкорликни амалга ошириш.

Мазкур вазифаларни самарали амалга ошириш учун 2021/2022 ўқув йилидан бошлаб, университетда профессионал кадрларни тайёрлаш жараёнига бакалаврият ва магистратурани ўз ичига олувчи икки босқичли олий таълим тизими жорий этилди. Жамоат хавфсизлигини назарий-ҳуқуқий таъминлаш фани магистратурада ўқитилиши белгиланди.⁹

Ўзбекистон Республикасида Фавқулодда ҳолатларда жамоат хавфсизлигини ҳуқуқий таъминлашга қаратилган кўплаб миллий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинган бўлиб, уларнинг юридик кучи ва қабул қилган субъектлари мақомидан келиб чиққан ҳолда қуйидагича таснифлаш мумкин:

- Ўзбекистон Республикасини янги тахрирдаги конституцияси;
- Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва кодекслари;
- Ўзбекистон Республикаси Олий мажлисининг қарорлари;
- Ўзбекистон Республикаси Президентининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари;
- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамасининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари;
- Маҳаллий давлат ҳокимият органларининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари;
- Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари;
- Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардиясининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари.

Демократик жамиятда фавқулодда ҳолатларда жамоат тартиби ва хавфсизлиги соҳасидаги муносабатларни ҳуқуқий тартибга солишда Конституция, қонунлар, давлат ҳокимияти органларининг мазкур соҳани ҳуқуқий таъминлашга қаратилган норматив-ҳуқуқийлари ҳужжатлар алоҳида муҳим аҳамиятга эга. Фавқулодда ҳолатларда жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизлигини таъминлаш соҳасидаги муносабатларни ҳуқуқий тартибга солувчи қоидалар Ўзбекистон Республикаси Конституцияси нормалари

⁹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Жамоат хавфсизлигини таъминлаш соҳасида профессионал кадрларни тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги 5077-сон Қарори 15.04.2021й. <https://lex.uz/docs/5377545>

талабларидан келиб чиққан ҳолда маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги ва жиноят кодексларида, алоҳида қонунлар ва бошқа қонунчилик ҳужжатларида мустаҳкамланган. Бундай қоидалар Ўзбекистон Республикасининг қонунлари, кодекслари, Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари, Президенти фармонлари ва қарорлари, Вазирлар Маҳкамаси қарорлари, вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг буйруқлари ҳамда қарорлари, шунингдек маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қарорларида ҳам ўз аксини топган.

Шуни алоҳида қайд этиш жоизки, ғавқулдда ҳолатларда жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизлигини таъминлаш соҳадаги муносабатлар жамиятда яшашнинг умумэътироф этилган қоидалари, ахлоқ нормалари, одатлар ва бошқа қадриятлар ёки мезонлар билан ҳам тартибга солинади. Улар фуқаролар зиммасига жамоат тартиби ва хавфсизлиги соҳасидаги ахлоқий ва умуминсоний мажбуриятларини бажариш вазифасини юклайди ҳамда ғайриижтимоий ҳаракатларнинг олдини олишда муҳим воситалар бўлиб хизмат қилади.

Ҳуқуқий маданият юқори бўлган жамиятнинг ахлоқи унинг аъзоларини Конституция ва қонунчилик ҳужжатларига тўлиқ, аниқ ва оғишмай риоя этиш, ўзгаларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари, шаъни ва қадр-қимматини, жамиятда умумэътироф этилган яшаш қоидаларини ҳурмат қилиш, ҳар қандай ғайриижтимоий қилмишларга нисбатан муросасизлик, ўз инсоний ва фуқаролик мажбуриятларини виждонан бажариш, жамият олдидаги масъулиятини ҳис этиш руҳида тарбиялайди.

Жамиятда жамоат хавфсизлиги соҳасида ва уни таъминлаш жараёнида вужудга келадиган ижтимоий муносабатларнинг мазмун-моҳиятини ҳар томонлама чуқур билиш ҳамда уларни самарали ҳуқуқий тартибга солиш энг аввало уларга тегишли бўлган таянч назарий ва ҳуқуқий тушунчаларни, билимларни, таълимотларни, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни, уларни амалиётда қўллашнинг бугунги ҳолати ва муаммоларини, шунингдек уларнинг ечимига оид илғор тажрибаларни ўрганишни тақозо этади.

Бошқарув назарияси фанининг таълимотларига асосан, жамоат тартибини сақловчи ва хавфсизлигини таъминловчи тузилмалар фаолиятини бошқариш ва уни амалга оширувчи субъектларнинг шахс, жамият ва давлат манфаатларини жинсий ва ҳуқуққа хилоф бошқа таҳдид ҳамда тажовузлардан ҳимоялашга эришиш мақсадида тегишли бошқарув объектларига таъсир этиш жараёнидир.

Давлатнинг ваколатли органлари, хусусан жамоат хавфсизлигини таъминловчи субъектлар жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизлигини ҳуқуқий таъминлаш бўйича мақсадга йўналтирилган бошқарув таъсири объекти ижтимоий муносабатлар ва уларнинг ҳуқуқни муҳофаза этиш фаолияти ҳисобланади.

Ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, хусусан жамоат хавфсизлигини таъминловчи субъектлар барча ижро ҳокимияти органлари каби, асосий куч ва воситаларининг ҳаракатларини амалдаги қонун ҳужжатларида белгиланган ваколатлар асосида ўзига юклатилган ҳуқуқни муҳофаза қилиш, хусусан, жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизлигини таъминлаш фаолиятини самарали амалга ошириш орқали жамиятда бу соҳада исталаётган натижаларга эришиш, уни бошқаришни таъминлашда ижобий ўзгаришлар қилишга қаратадилар. Шуни алоҳида қайд этиш жоизки, бугунги таҳликали

ва таҳдидларга бой шароитда хусусан жамоат хавфсизлигини таъминловчи субъектлар ички ташкилий фаолияти уларнинг ташқи фаолияти натижаларига бевосита таъсир этади.

Ушбу соҳани ҳуқуқий тартибга солишнинг юридик асоси, асосий қонунимиз – Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ҳисобланади.

Ҳозирги кунда юртимизда жамоат хавфсизлигини таъминланишини ҳар қандай кўринишида бевосита иштирок этувчи давлат органларининг айрим ходимларини бу соҳада малакасини етишмаслиги, ўз хизмат вазифасига бармоқ орасида қараши ҳалқни эътирозига сабаб бўлмоқда. Бунга мисол Фарғона вилояти Қўқон шаҳрида шу 2022 йил сентябр ойида Ички ишлар вазирлиги профилактика инспекторини вояга етмаган болани асоссиз реабилитация марказига олиб бориб жойлаштириши ва у ердаги ходимларнинг эътиборсизлиги оқибатида бола ўзи тенги бошқа болалар томонидан қалтакланиши натижасида вафот этган ҳолатини айтиш мумкин. Бундай инсон қадрни улуғламаслик ва ҳуқуқини паймол қилиш ҳолатлари ҳозирги кунда ҳам ҳаётимизда учраб турибди ва шунга ўхшаш бошқа ҳолатлар тўғридан-тўғри ҳалқни норозилигига сабаб бўлиши ва оқибати ўз-ўзидан инсон ҳуқуқларини поймол қилинишига, фуқароларни давлатга бўлган ишончини йўқолишига ва унда жамоат тартиби бузилиб, жамоат хавфсизлигини келтириб чиқаришга олиб келиши эҳтимолдан холи эмас.

Хулоса ўрнида шунини айтиш лозимки, жамоат хавфсизлигини таъминлаш тизимида амалга оширилган ислохотлар билан бирга, жаҳонда кучайиб бораётган турли хавф-хатар ва зиддиятлар, эл-юрт тинчлиги ва осойишталигига таҳдидлар, пандемия, табиий ва техноген офатлар, масъул давлат тузилмаларига ўз фаолиятини “Инсон қадри учун” деган устувор ғоя асосида янада такомиллаштириш вазифасини юклармоқда¹⁰. Шундай экан фавқулодда ҳолатларда жамоат хавфсизлигини таъминлашга ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилувчи қонун ва қонуности ҳужжатларига давлатимизда амал қилишни назорат қилувчи давлат органларида кадрлар масаласига алоҳида эътибор қаратиш ва уларни янгича жаҳон стандартлари талабларига мос келадиган кўринишини шакллантириш лозим деган фикрдамиз.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикасининг янги таҳрирдаги конституцияси.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Жамоат хавфсизлигини таъминлаш соҳасида профессионал кадрларни тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги 5077-сон қарори 15.04.2021й. <https://lex.uz/docs/5377545>
3. Ўзбекистон Республикасининг 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисидаги президентимизни 60-сонли фармони. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси <https://lex.uz/uz/pdfs/5841063>

¹⁰ Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси жамоат хавфсизлигини концепциясини тасдиқлаш ва уни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги 27- сонли фармони. <https://ssv.uz/uz/documentation/>.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси жамоат хавфсизлигини концепциясини тасдиқлаш ва уни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги 27- сонли фармони. <https://ssv.uz/uz/documentation/>.
5. Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 15 декабрда қабул қилинган 737-сонли “Фавкулудда ҳолат тўғриси”даги конституциявий қонуни
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 20 декабр кунги ҳалққа ва Олий мажлисга мурожаатномаси. <https://qalampir.uz/news/ Web20/12/2022 й>.
7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 6 августдаги “Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университетида номзодларни саралаб олиш ва ўқишга қабул қилиш тартиби тўғрисида” ги 500-сонли қарори.
8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 29 майдаги “Тошкент вилоятида ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасида ички ишлар органлари куч ва воситаларини бошқаришнинг сифат жиҳатдан янги тизимини жорий этиш тўғрисида”ги ПҚ-4343-сон қарори. // URL: <http://www.lex.uz>.
9. “Темур тузуклари” © 2016-2022 – www.temurtuzuklari.uz.